

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 14 » январь 20 20 у.

№ 21

Toshkent sh.

**Республика ҳудудларида
пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Пахтачилик ривожланишининг замонавий ҳолати пахта етиштириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг барча жараёнлари механизациялашиши даражаси билан белгиланади.

Пахта ҳосилини механизация ёрдамида йиғиштириб олишни таъминлаш ўз ичига пахта даласининг агрофонини механизациялашган теримга тайёрлаш билан боғлиқ бир нечта мураккаб масалаларни, жумладан, замонавий ва юқори самарали пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш, сервис хизматлари кўрсатиш ва таъмирлаш базасини ривожлантириш, техникани ишлатиш, машинада терилган пахта хомашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича малакали кадрларни, жумладан, механизатор ва муҳандисларни тайёрлаш, ишларни молиялаштиришнинг замонавий механизмлари билан боғлиқ комплекс масалаларни ўз ичига олади.

Замонавий, юқори самарали пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ва теримни машинада ташкил этиш ҳисобига пахта теримини механизациялаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг:

биринчи босқичда (2020 – 2022 йиллар) Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида;

иккинчи босқичда (2023 – 2026 йиллар) республиканинг қолган ҳудудларида пахта ҳосилни йиғиштириб олишни механизациялашни жорий этишни жадаллаштириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан пахта териш ишларига жалб қилинадиган пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизини Молия вазирлиги томонидан қоплаб бериш амалиётини 2020 йилда сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж. Тешаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарларига:

пахтани машинада териш учун ажратилган ерларни барвақт тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш;

пахта териш техникасини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ўз вақтида ташкил этиш бўйича ишлар самарали олиб борилишини таъминлаш;

2020 – 2026 йилларда қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида реализация қилишни молиялаштириш механизминини ишлаб чиқиш;

пахтани териш олишни жадал механизациялаш бўйича белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш бўйича шахсий маъсулият юклансин.

3. Қуйидагилар:

2020 – 2026 йилларда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ тизимидаги ташкилотлар томонидан пахта териш машиналари ишлаб чиқариш ва республика ҳудудларига етказиб бериш прогнози 1-иловага;

2020 – 2026 йилларда республикада пахта теримини механизациялаш даражасини ошириш ва пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари – маъсул ижрочилар ушбу тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 7-кунига қадар ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига Чора-тадбирлар режаси ижроси бўйича маълумот тақдим этилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

пахта майдонларининг агрофонини машина ёрдамида териш учун сифатли тайёрлаш, шу жумладан, тегишли чигит навларини танлаш, экиш,

қаторлар орасига ишлов бериш, дефолиация қилиш, ер майдонларини тайёрлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш;

машина теримига ажратилган далаларнинг қаторлар орасини устун даражада 76 см кенгликда тайёрлаш агротехник тадбирларини бажариб, чигит навларини танлаш ва экишни таъминласин.

5. “Ўзагросервис” АЖ:

пахтани механизациялаштирилган усулда териш учун пахта майдонларининг агрофонини шакллантиришда иштирок этувчи техниканинг сифатли тайёрланиши;

замонавий пахта териш машиналарида ишлаш учун техникани ишлатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва муҳандислар тайёрланиши;

пахта териш машиналарига сервис хизмати кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик материаллар билан ўз вақтида таъминлаш учун мутахассисларнинг мобиль бригадалари ташкил этилишини таъминласин.

6. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ тизимидаги ташкилотларга истисно тариқасида:

тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар сотиб олишга, транспорт хизматлари ва бошқа хизматлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга;

бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомала (импорт) учун чиқаришнинг божхона режимида жойлаштирилган санадан бошлаб кўшилган қиймат солиғини тўлашни 270 кун кечиктириб амалга оширишга рухсат берилсин.

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда транспорт хизматлари ва бошқа хизматлар бўйича тузиладиган шартномаларнинг асосланганлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонаси қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни сотиб олиш учун, транспорт хизматлари ва бошқа хизматлар бўйича техник шартлар импорт шартномалар тушган кундан бошлаб уч кун муддатда экспертизадан ўтказилишини ва тегишли хулосалар берилишини таъминласин.

8. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва “Асака” АТБнинг савдо молиялаштириши линияларидан, шу жумладан, хорижий банклар линиялари воситаларидан фойдаланиб, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш учун

бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни харид қилишни молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг пахта териш машиналарини сотишдан тушган пул маблағлари солиқлар ва бюджет олдидаги бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилгандан сўнг ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан “Асака” АТБ олдидаги кредитларни қайтаришга йўналтирилиши йўли билан ажратилган кундан бошлаб 1 йилдан ошмаган муддатда пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар харидининг савдо молиялаштирилиши бўйича қарздорлик тўлик қайтарилиши таъминланади.

9. “Асака” АТБга:

пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни харид қилишни молиялаштиришда таъминот сифатида “Ўзбекинвест” компанияси ва бошқа суғурта ташкилотларининг йиллик 0,5 фоиз миқдоридаги имтиёзли тариф бўйича суғурта полисларини қабул қилиш;

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг ўзаро боғлиқ қарздорлари ғуруҳига банкнинг энг юқори таваккалчилигини ҳисоблашда кредитлар бўйича қарздорликни пахта териш машиналари ишлаб чиқарувчиларига ҳисобламаслик тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, Жаҳон банкининг кредит линиялари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агротехсаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги томонидан молиялаштириладиган бошқа молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига техникани ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва лизинг ташкилотларини кредитлашда тижорат банкларининг маржаси 1 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

11. “Ўзпахтасаноат” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехсаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, “Ўзстандарт” агентлиги 2020 йил 1 майга қадар пахтани машинада теришни рағбатлантириш мақсадида машина терими пахта хомашёси синфлари бўйича ифлосланганликнинг масса улуши ва намликнинг масса нисбати меъёрларини қайта кўриб чиқсинлар.

12. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ билан биргаликда:

пахтани машинада териш учун далаларни тайёрлаш ва пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш бўйича фермерлар ва пахта-тўқимачилик кластерлари учун тренинглар ва семинарлар ўтказилишини;

пахта териш техникасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини ташкил этсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 январ даги 21 -сон қарорига
1-илова

**2020 – 2026 йилларда “Ўзагротехсаноатҳолдинг” АЖ тизимидаги ташкилотлар томонидан
пахта териш машиналари ишлаб чиқариш ва республика ҳудудларига етказиб бериш
ПРОГНОЗИ**

дона

| Т/р | Ҳудудлар номи | Умумий эҳтиёж | 2020 йил | | | | | | 2021 й. | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. | 2025 й. | 2026 й. |
|-----|------------------------------|---------------|----------|-----|------|------|--------|----------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | | | Жами | май | июнь | июль | август | сентябрь | | | | | | |
| 1 | Тошкент вилояти | 930 | 250 | 50 | 50 | 50 | 50 | 50 | 250 | 250 | 180 | | | |
| 2 | Сирдарё вилояти | 770 | 250 | 50 | 50 | 50 | 50 | 50 | 250 | 270 | | | | |
| 3 | Жиззах вилояти | 1 155 | 300 | 60 | 60 | 60 | 60 | 60 | 350 | 505 | | | | |
| 4 | Қашқадарё вилояти | 1 481 | 200 | 40 | 40 | 40 | 40 | 40 | 350 | 475 | 456 | | | |
| 5 | Қорақалпоғистон Республикаси | 600 | | | | | | | | | 200 | 200 | 200 | |
| 6 | Лидижон вилояти | 800 | | | | | | | | | 200 | 300 | 300 | |
| 7 | Бухоро вилояти | 1 100 | | | | | | | | | 300 | 400 | 300 | 100 |
| 8 | Навоий вилояти | 392 | | | | | | | | | 100 | 100 | 100 | 92 |
| 9 | Наманган вилояти | 800 | | | | | | | | | 100 | 300 | 300 | 100 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|-------------|--------------------|---------------|--------------|------------|------------|------------|------------|------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|------------|
| 10 | Самарқанд вилояти | 650 | | | | | | | | | 200 | 250 | 200 | |
| 11 | Сурхондарё вилояти | 777 | | | | | | | | | 150 | 250 | 300 | 77 |
| 12 | Фарғона вилояти | 475 | | | | | | | | | 74 | 100 | 200 | 101 |
| 13 | Хоразм вилояти | 340 | | | | | | | | | 40 | 100 | 100 | 100 |
| Жами | | 10 270 | 1 000 | 200 | 200 | 200 | 200 | 200 | 1 200 | 1 500 | 2 000 | 2 000 | 2 000 | 570 |

Изоҳ. Ҳудудларга ҳар йили етказиб бериладиган техника талаб ҳажмига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 январ даги 21-сон қарорига
2-илова

**2020 – 2026 йилларда республикада пахта теримини механизациялаш даражасини
ошириш ва пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|--|--|-----------------------------|---|
| I. Пахта хомашёсини машина ёрдамида йиғиштириб олиш учун дала майдонларини тайёрлаш ва зарур агротехника тадбирларини амалга ошириш | | | |
| 1 | Пахтани машина ёрдамида теришдан аввал технологик операцияларни ўтказишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш (кузги шудгорлаш, далани экишга тайёрлаш, экин экиш, культивация ва чеканка қилиш, дефолиация, йиғим-терим, далаларни тозалаш). | 2020 йил январь-февраль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳоқимликлари |
| 2 | Пахтани машинада териш мўлжалланган пахта далаларининг агрофонини тайёрлаш бўйича технологик операциялар ўтказилиши устидан мониторинг олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш. | 2020 йил январь-февраль | |
| 3 | Пахтани машина ёрдамида теришдан олдин технологик операцияларни ўтказиш бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш, наشر этиш ва фермерларга тарқатиш. | 2020 йил август-сентябрь | |
| 4 | Пахтани машинада териш мўлжалланаётган худудларда семинарлар ўтказиш, технологик операцияларни сифатли бажариш бўйича тавсияларни муҳокама қилиш. | 2020 йил август-сентябрь | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|--|-----------------------|--|
| 5 | Машина терими учун тайёрланган пахта майдонини комиссия томонидан баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш. | 2020 йил май-июнь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари |
| 6 | Пахтани машина ёрдамида териш самарадорлигини тушунтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, шу жумладан, машина терими иштирокчиларини рағбатлантириш. | ҳар чорақда | |
| 7 | Пахта териш машиналарини сотиб олиш бўйича фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари билан шартномалар тузилишини таъминлаш. | 2020 йил июнь | |
| II. Пахта териш машиналаридан самарали фойдаланишни ва уларга сервис хизмат кўрсатишни таъминлаш | | | |
| 8 | Пахтани машинада териш учун далаларни босқичма-босқич тайёрлашга жалб қилинадиган машиналарнинг бутун ҳалқасини ишга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (ҳайдаш техникаси, экин экишдан аввал тупроққа ишлов бериш техникаси, сеялкалар, культиваторлар, чеканка қилгичлар, пуркагичлар, пахта териш машиналари ва транспорт техникаси). | 2020 йил март | “Ўзагросервис” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ |
| 9 | Пахта териш машиналарига теримдан олдин ва терим вақтида хизмат кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг иш қобилиятини (тайёр ва/ёки таъмирланган) ва ишлатишга тайёрлигини комиссия томонидан баҳолаш. | 2020 йил март | |
| 10 | Пахтани машинада теришга пахта даласини тайёрлашга жалб этилган ҳар бир машинанинг ишлаши бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш, нашр этиш ва тарқатиш. | 2020 йил апрель-июнь | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|--------------------------|---|
| 11 | Пахтани машинада териш назарда тутилган худудларда пахта комплексининг барча машиналари техник тавсифларини тушунтириш бўйича худудларда механизаторлар учун семинар-тренинглари ўтказиш. | 2020 йил июль-сентябрь | |
| 12 | Ўрнак кўрсатган механизаторларни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2020 йил сентябрь-ноябрь | |
| III. Машинада терилган пахта хомашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишланишни таъминлаш | | | |
| 13 | Пахта экувчи хўжаликларни пахтани машинада теришга мослашган юқори сифатли чигит билан таъминлаш. | 2020 йил февраль-март | “Ўзпахтасаноат” АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 14 | Ҳосилни бир марта теришни ҳисобга олган ҳолда машинада териладиган пахтага қўйиладиган талабларни тайёрлаш (кўсақларнинг очилиш даражаси > 90 фоиз) | 2020 йил май-июль | |
| 15 | Пахта тозалаш заводларининг машинада терилган пахтани ташиш, сақлаш, олдиндан қуритиш, тозалаш ва қайта ишлашга тайёрлигини таъминлаш. | 2020 йил июль-август | |
| 16 | Машина ва қўлда терилган пахта сифатини, шу жумладан, машинада терилган пахта учун оширилган тарифлар бўйича ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда пахтани машинада теришнинг, шу жумладан, молиявий, иқтисодий самарадорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш. | 2020 йил май-июнь | |
| IV. Пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ва ўз вақтида молиялаштиришни ташкил этиш | | | |
| 17 | Техник топшириқларни тайёрлаш, пахта териш машиналарини йиғишни ташкил этиш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни сотиб олиш бўйича ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар билан | 2020 йил январь | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчи ташкилотлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--|--|
| | музокаралар олиб бориш. | | |
| 18 | Тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиб, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни сотиб олиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш. | 2020 йил январь | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчи ташкилотлар |
| 19 | Бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун “Асака” АТБнинг савдо молиялаштиришини олиш учун керакли хужжатларни тайёрлаш ва буюртманома бериш. | 2020 йил январь-февраль | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ, “Асака” АТБ, “Ўзбекинвест” компанияси, бошқа суғурта ташкилотлари |
| 20 | Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун, транспорт ва бошқа хизматлар бўйича техник шартлар ва импорт шартномалар экспертизасини амалга ошириш ва экспертиза натижалари бўйича тегишли хулосаларни тақдим этиш. | зарур хужжатлар тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда | Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК |
| 21 | Зарур бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни сотиб олиш учун кредитларнинг гаров таъминоти сифатида йиллик 0,5 фоиз миқдордаги имтиёзли тариф бўйича суғурта полисларини тақдим этиш. | 2020 йил январь | “Ўзбекинвест” компанияси, бошқа суғурта ташкилотлари, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ, “Асака” АТБ |
| 22 | “Ўзбекинвест” компанияси ва бошқа суғурта ташкилотларининг суғурта полиси остида молиялаштиришни гаров сифатида амалга ошириш ва кейинчали пахта териш машиналарини суғурталаш. | 2020 йил январь-февраль | “Асака” АТБ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ, “Ўзбекинвест” компанияси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|-----|---|---|--|
| | | | бошқа суғурта ташкилотлари, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари хокимликлари |
| 23 | Тузилган шартномалар бўйича тўловларни амалга ошириш. | 2020 йил январь-февраль, имзоланган шартномаларга мувофиқ | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ, “Асака” АТБ |
| 24 | Зарур бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар ўз вақтида стказиб берилишини таъминлаш. | 2020-2026 йиллар, имзоланган шартномаларга мувофиқ | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ |
| 25 | Пахта териш машиналарини фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқаришни бошлаш | 2020 йил март | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ |
| 26 | Пахта териш машиналарини сотишдан тушган маблағни фақат “Асака” банк томонидан берилган кредитларни қайтариш ва аккредитивларни 1 йилдан ошмаган муддатда тўлиқ тўлаш учун ажратиш. | 2020-2021 йиллар | “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “ТҚХТЗ” АЖ, “Асака” АТБ |
| 27 | Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари вакиллари билан пахта териш техникасини сотиб олиш учун алоқадор лизинг ташкилотларига кредит линиясини ажратиш тўғрисида музокаралар олиб бориш. | 2020 йил январь | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Агротехсаноат мажмуи ва озиқ-овқат |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|-----|---|-----------------------|--|
| | | | таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги |
| 28 | Кредит битими лойиҳасини тайёрлаш ва унинг имзоланишини таъминлаш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва таниқи савдо вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги |
| 29 | Пахта териш техникасини харид қилишдан манфаатдор бўлган фермер хўжаликлари рўйхатини шакллантириш. | 2020-2025 йиллар | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари |
| 30 | Фермер хўжаликлари ва алоқадор лизинг ташкилотлари ўртасида лизинг шартномалари тузилишини таъминлаш. | 2020-2026 йиллар | Лизинг ташкилотлари, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари |

